



MILLIY TIKLANISH

6 (378) ● 2016 йил 10 февраль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Ўтган йили Андижон вилоятида 32 янги бошланғич партия ташкилоти иш бошлади

2015 йилда ҳаво лайнерларимизда 23 минг 269 қатнов амалга оширилиб, ундан 2 миллион 572 минг 289 йўловчи фойдаланди

"Парламент назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида миллий ва хорижий тажриба ўрганилди

Мунозара

Меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилади

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқиляётган ҳар бир қонун лойиҳасининг муҳокамалари баҳс ва мунозараларга бой тарзда ўтмоқда, партиялар фракциялари ўз сайловоди дастурларидан келиб чиқиб таклифларини илгари сурмоқдалар.

Хусусан, Қонунчилик палатасидаги **Демократик кучлар блоки** томонидан янги тахрирдаги **"Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Муҳокамалар жараёнида блок аъзолари томонидан қонун лойиҳасида кўзда тутилган янги нормалар халқаро принциплар ва стандартларга мувофиқ лозим даражадаги меҳнат шароитларини яратиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Мазкур қонун лойиҳасида мамлакатимизда ишчи-ҳодимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун хавфсиз, қулай ва муносиб меҳнат шароитларини яратиш ҳамда корхона ва ташкилотлардаги меҳнат муҳофазаси ҳолатини янада яхшилашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиши кўзда тутилган.

> 2-бет.

Миллий гуруҳ

Салоҳиятли ёшлар — юрт истиқболи

Ёш авлодга замонавий билим, жаҳон андозалари талаблари асосида таълим ва албатта, миллий қадриятларимизга мос тарбия бериш уларнинг интеллектуал салоҳияти ва иқтидорини юзага чиқаришга хизмат қилаётир.



2015 йил 28-31 июль. Хитой, Чанчунь шаҳри. Ўттизга яқин давлатдан келган олти юздан ортиқ ўқувчи математика фанидан бўлиб ўтган халқаро олимпиада натижаларини сабрсизлик билан кутишмоқда. Фолиблар эълон қилинар экан, масала-ю мисолларни қандай ишлагани ҳақида ўйланиб турганида экранда "Жаҳонгир Тўраев, Ўзбекистон" ёзуви пайдо бўлди. Уша пайтда қувончини ичига сиғдиролмай даврага отилиб чиққан 13 ёшли вақилимиз якка тартибдаги беллашувда кумуш медалга лойиқ топилди. Турнирда умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи ўринни эгаллаб, мусобақа кубогини қўлга киритди.

> 6-бет.

Ҳамкорлик



ЎзМТДП ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК

ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, авиаташувчилар бозорини ривожлантириш ҳамда партия сайловолди Платформасини амалга ошириш — муҳим вазифа

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида олиб бориляётган кенг қамровли ва изчил ислохотлар самарасида юртимиз равнақ топиб, халқимиз фаровонлиги тобора ошиб бормоқда. Мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Айниқса, Ўзбекистон номини дунёга танитиш, юртимизнинг жаҳон саҳнидаги ижобий имижини яратишда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси тизимида амалга ошириляётган кенг қўламли модернизациялаш, техник ва технологик янгиланишлар жараёни муҳим ўрин тутди.

Бугун Миллий авиакомпания халқаро авиаташувлар бозорида муносиб ўрин эгаллаб, қисқа даврда қитъамизнинг ишончли, жадал ривожланиб бораётган авиакомпаниялари сафига қўшилди. Соҳага қаратиляётган алоҳида эътибор самарасида компания тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, хавфсизлик, барқарорлик ва қулайлик авиакомпания фаолиятининг бош мезонига айланди. Шу йиллар мобайнида авиакомпания жаҳон авиабозоридаги кескин рақобат шароитида йўловчиларга хавфсиз ва қулай хизмат кўрсатадиган барқарор, жадал ривожланиб бораётган авиаташувчи эканини исботлади. Халқаро авиаташувчилар бозорини етакчилар сафидан жой олган миллий фуқаро авиацияси мамлакатимиз фахрига айланди.

> 2-бет.

Электорат минбари

Мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг 40 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Тадбиркорлик субъектларини микрокредитлашга оид меъёрий-ҳуқуқий база яратилгани тадбиркор аёллар фаолиятини ривожлантириш учун зарур молиявий ресурсларни ажратишда қўл келмоқда.

Депутатга таклифим бор

Ўз бизнесимни бошлаш учун "Микрокредитбанк"дан кредит олган эдим. Сармоя эвазига каштачилик буюмларини тиқиш учун хомашё харид қилдик. Ҳозир Нурота каштачилиги усулида эллик турдаги маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз. Сўзана, аёллар сумкаси, ёстиқ жилдлари, дастурхон ва костюмлар шулар сирасидандир.

Айни пайтда миллий кадрият сифатида мола-римиздан мерос каштачилигининг энг ноёб турлари сир-асорини 10 дан ортиқ шоғирдларимга ўргатаяпман. Каштачилик маҳсулотларимиз билан вилоят, республика ва халқаро миқёсда ўтказиляётган кўргазмаларда иштирок этапмиз. Бундан ташқари, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси лойиҳалари асосида ўтказиляётган турли тадбир, форум ҳамда фестиваллар олдидан ташкил этиляётган миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаларида ҳам мунтазам қатнашиб келамиз.

> 4-бет.

Депутат сўров киритди

Баландчақирда замонавий футбол майдони

ЎзМТДП депутати сўрови натижасида барпо этилди

Футболни, одатда, миллионлар ўйини дейишади, бироқ у бугун миллионлар ўйинига айланиб улгурган. Футбол, дарҳақиқат, ёш авлоднинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий саломатлигини мустаҳкамлашда беқийс ўрин тутди. Шу боис мамлакатимизда футболни ривожлантириш, ўсмирлар ва болаларни ушбу спортга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратиляётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майда қабул қилинган "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилди. Болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш, янги ўқув-машғулот масканлари, сунъий қопламали майдонларни барпо этиш, футбол мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш мазкур жамғарманинг асосий вазифаси ҳисобланади. 2011 йил 19 январда қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат — Президентимизнинг "2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ҳам футболни ривожлантиришга, ҳомийлар маблағлари асосида замонавий майдонлар барпо этиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланиши, бўш вақтларини мазмунли ўтказишига имкон яратаётир.

> 4-бет.

Ушбу сонда:

Алишер Навоий — миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоёниси



> 4-бет.

Венгрия

парламенти

бир палатали бўлиб, унда тўрт йилга сайланадиган 199 депутат фаолият олиб боради



> 7-бет.

Миллий ўйинлар — бебаҳо бойлик



> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



www.milliytiklanish.uz
 сайтида ҳам ўқинг!

